

Одамлар борки, факат ўз манфаатини ўйлайди. Яна бир турфа кишилар борки, улар хамиша улуг мақсадлар билан яшайдилар. Ана шундай инсонлардан бири Юқори Чирчик туманидаги «Туркистон» дехқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси Абдумажид Машахобовдир.

У Охунбобоев номли жамоа хўжалиги иқтисодини кўтаришга муносиб ҳисса қўшди. 1988 йили Абдумажид ақани Аҳмад Ясавий номли жамоа хўжалигига раис этиб сайлаганида халқ адашмаганди. Янги раҳбар пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшди. Хўжалиқда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳам муайян муваффақиятларга эришилди. Қишлоққа саноатни олиб кириб, аҳолини иш билан таъминлашга қатъий эътибор қаратди. Сутни қайта ишлаш корхонаси, калиш цехи ишга тушди. Бир йилда 100 тонна пахтани қайта ишлаб, қалавага айланттирадиган корхонанинг фойдаланишга топширилиши эса 80 нафар кишини муқим иш билан таъминлаш имконини берди.

1996 йил охирида туманда «Туркистон» дехқон-фермер хўжалиқлари уюшмаси ташкил қилингандан кейин Абдумажид ака унга раис этиб сайланди. Мақсад унинг таъбирича дехқонлар билан, хўжаликни кўтариш эди. Чунки бу ерда илгарилари пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш режалари жуда қийинчилик билан бажариларди. Сабаби жамоада меҳнатга ҳақ тўлаш эски услубда амалга ошириларди.

Янги раис ерни дехқонларга оилавий пудрат асосида бўлиб беришдан бошлади. Ушунда ҳар бир оилага далолатнома билан бириктирилган ер 1,5 гектардан 7 гектаргача ташкил этди. Ҳар бир пудратчи билан икки томонлама манфаатли шартнома тузилди. Шартномага асосан режадан ортқ топширилган маҳсулот пудратчининг ўзида қоладиган бўлди. Натижада дехқоннинг моддий манфаатдорлиги ошди. Унинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Шу боис уюшма ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда муайян ютуқларга эришмоқда. Масалан, ҳозир хўжалиқда мўл ғалла ҳосилини ўриб-йигиб олиш нихоясига етказилмоқда. Ўртача ҳосилдорлик 45-46 центнерни ташкил этмоқда. А.Ҳайдаров, В.Асанова каби пудратчилар бу кўрсаткични 50 центнердан ҳам оширишди.

Уюшма ташкил қилинган пайтлар аҳолини тоза ичимлик сув ва газ билан таъминлаш муаммоси кўндаланг турарди. Бунинг учун эса маблағ керак эди. Хўжалик иқтисоди мустақамланганга, муаммолар бирин-кетин ҳал бўлаётди. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунга келиб мавжуд иккита бўлимин тоза ичимлик суви билан таъминлаш 80 фоизга бажарилди. 90 фоиз аҳоли хонадониде эса «зангори олов» ёнмоқда. Айни кунларда хўжалик аъзоларининг янги қурган уйларига газ ва тоза ичимлик суви ўтказиш ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари шу давр ичида хўжаликнинг машина-трактор саройи, омбори, маъмурий биноси қайта таъмирланди.

Айни чоғда хўжалик раҳбарияти фаоллар билан биргаликда ёшлар тарбияси хусусида алоҳида қайғурмоқда. Жумладан, далачилик бригадалари ва маҳаллаларда ёшлар онгини заҳарлашга уринаётган ярамас оқимлар ҳақида кенг тушунча бериляпти. Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси XIV сессиясидаги маърузаси ва унинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблари чуқур ўрганилмоқда. Маҳалла фаоллари саъй-ҳаракати билан тўй ва бошқа маросимлар замонга хос тарзда ўтказилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Абдумажид ака элим деб, юртим деб, ёним яшайдиган инсон. У хўжаликни оёққа турғизиш билан бир қаторда 5 нафар фарзандни фидокор инсонлар этиб тарбиялади. Улар ўз ҳаёт йўлини топиб олишган.

Ғулом ЮСУПОВ,  
«Ишонч» мухбири.




# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 30 июн, чоршанба №86 (733)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## УЛКАН ИНШОТЛАР - МАМЛАКАТИМИЗ САЛОҲИЯТИ РАМЗИ



Фарғона водийси мамлакатимизда нафақат ўзининг бетакрор табиати, балки йирик саноат корхоналари ривожланган қишлоқ хўжалиги, айни пайтда аҳоли зичлиги юқори бўлган минтақа эканлиги билан ҳам алоҳида ўрин тутайди. Шу боис, одамларнинг, корхоналарнинг табиий газга бўлган эҳтиёжларини узлуксиз равишда таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бирок, киш ойларида - истеъмол даражаси нисбатан ортган кезларда бу борада узилишлар юзага келар эди. Айнан шу масалани ҳал этиш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида ер ости газ омбори куриш ҳақида республикамиз ҳукумати томонидан қарор қабул қилинган. Айтиш кераки, мазкур қарорни бажариш юзасидан қатъий эътибор билан ишлари олиб борилди. Хўжаобод ер ости газ омбори қиска муддатларда куриб битказилди.

бу ерда жойлашган саноат ва хизмат корхоналарини узлуксиз табиий газ билан таъминлашга қодир бўлган улкан иншоот ишга тушмоқда, деди Юртбошимиз. Шу билан нафақат Андижон вилояти, балки бутун Фарғона водийсида, айниқса киш фаслида, газ тақчиллиги муаммосини емоқдамиз. Бугунги воқеанинг улкан аҳамиятини англаш учун, авваламбор, мана шу ўлкада яшаётган кексаю ёшнинг, ҳаётнинг барча ташвиш ва мушқулини елкасида тушариб, хонадонларимизни тебратиб турган меҳрибон аёлларимизнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўришимиз керак, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари ана шундагина олижаноб халқимизнинг оғирини енгил қилишда эришган ютуқларимизга, Хўжаобод ер ости газ омбори одамларимизга қандай хизмат қилишига муносиб баҳо бериш мумкинлигини таъкидлади. Умуман, қишлоқ аҳолисини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш яхшилаш бўйича махсус давлат дастури илчиллик билан амалга оширилганлигини, ҳукуватимиз қарорларига қўра республикамизда аҳолини газ билан таъминлашни 85 фоизга, ичимлик сув билан таъминлашни эса 82 фоизга етказиш режалаштирилганлигини айтиб ўтди.

29 июн куни Хўжаобод ер ости газ омборининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Айтиш жоизки, мазкур иншоот хорижий фирма ва компаниялар, молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликда бунёд этилди. АКШнинг «Би Эс Ай Индастриз, Инк» компанияси лойиҳалаш, ускуна-ҳижозлар келтириш ва соғлаш, мутахассислар тайёрлаш ишларини амалга оширган бўлса, «Дрессер Ренд» компанияси омбор қудуқларига газ ҳайдовчи 12,5 мегаватт қувватга эга қудратли насосларни етказиб берди. Курилишининг молиявий таъминоти АКШнинг «Чейз Манхэттен» банки кредити ва «Эксимбанк»нинг суғуртавий кўмаги асосида бўлди. Умуман, газ омборини бунёд этишга қарийб 70 миллион АКШ доллари миқдорда маблағ сарфланди. Мазкур ер ости газ омбори 2000 йилгача 900 миллион кубметр, кейинчалик эса 1 миллиард 800 миллион кубметр ҳажмида

ларга эришганимизни яққол кўриш мумкин, деди Президент. Узимизнинг, кенг омманинг дунёқараши, онг-тафаккури янгиланиб, ўзгариб бораётгани бунинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир. Уйлайманки, ҳар бир одам ёруғ ҳаётга эришиш, мустакил тараққиёт йўлида бўлаётган ишларимизга тўғри ва муносиб баҳо беради. Юртимиздаги буюқ узғаришларни кўрган инсофли, иймонли, зийрак ҳар қандай инсоннинг кўнглидан беихтиёр: «Эй одамзод, кўзингни оч, ношукурлик қилма, бу ҳаётнинг қадрига ет», деган уй-фикрлар ўтади, деди Юртбошимиз. Президент Ислам Каримов Хўжаобод ер ости газ омбори лойиҳасини тузишда ва амалга оширишда, уни замонавий ҳижоз ва ускуналар билан таъминлашда иштирок этган хорижий компаниялар ва банклар вакилларига чуқур миннатдорлик изҳор этди. Давлатимиз раҳбари иншоотдаги барча курилиш ва монтаж ишлари тўла миқдорда «Ўзбекнефтьга» миллий холдинг компанияси ҳақида мамлакатимизнинг бошқа иқтисодлашган корхона ва ташкилотлари томонидан бажарилганлиги, бу эса халқимизнинг пешона тери билан толиган қатъий қарорларига қўра республикамизда аҳолини газ билан таъминлашни 85 фоизга, ичимлик сув билан таъминлашни эса 82 фоизга етказиш режалаштирилганлигини айтиб ўтди.

Кундалик турмуш ташвишлари, тирикчилик муаммолари билан банд бўлиб, қандай тарихий даврида яшаётганимизни, одамлар олдида қандай янги, кенг имкониятлар очилаётганини баъзан унутиб қўямиз. Мана шу саккиз йил ичида гўзал ва саховатли Андижон заминиде, унинг мард ва меҳнатқаш халқи қўли билан қанча-қанча курилишлари амалга оширганлигини, юртимизни обод қилишда қанча-қанча ютуқ

АКШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси Ж.Пресел қатнашди.

Шу куни Президент Ислам Каримов Андижон туманидаги касб-хунар коллежи курилиши билан ҳам танишди.

300 ўқувчига мўлжалланган коллежни бунёд этишда «Вилоятжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасининг 450 нафар қурувчиси меҳнат қилмоқда. Янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштириляётган бу ўқув даргоҳида вилоят саноат корхоналари учун ўрта бугун мутахассислари тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари коллеж биноси замонавий талаблар ва миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилиши, синф хоналари оқори сифатли ҳижозлар, замонавий ўқув воситалари, компьютерлар билан таъминланиши зарурлигини таъкидлади. Бу борада мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотга бирламчи эътибор қаратиш кераклигини қайд этди.

Биз бугун бутун дунё яшаётган ҳаёт билан яшашиш лозим. Шунинг учун бу ўқув даргоҳларини энг замонавий техник ҳижозлар билан таъминлашмиз керак, деди жумладан Ислам Каримов. - Зеро, бундай коллеж ва академик лицейлар ёшларимизда мустакил фикрни шакллантиришга хизмат қиладиган даргоҳ бўлиши керак.

Юртбошимиз коллеж ўқувчилари билан суҳбатда уларнинг талабалик либоси қулай ва мос, миллий андозлар асосида бўлиши муҳимлигига диққатини қаратди. Бирок, энг асосийси, уларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи ерқин бўлиши, онги соғлом гога ва миллий мафкура асосида шаклланиши лозимлигини, шундангина улар турли ақдарада оқимларнинг асл моҳиятини тўғри англаб етиши мумкинлигини уқтирди.

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига сафарини чоғида унга Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, А.Зиё, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳақимов, Бош вазир ўринбосари А.Исаев, бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Беҳзод УСМОН,  
Карим НИЗОМОВ, ЎЗА  
МАХСУС МУХБИРАРИ  
СУРАТЛАРДА:  
Президентимизнинг  
Андижон вилоятига  
ташрифи пайти.  
А.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган  
суратлар

### БАҲОРИСТОН- ЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Жорий йилда 9500 гектар майдонда дехқончилик қилаётган Баҳористон тумани ғаллакорлари ўрим-йигимни уюшқоқлик билан олиб бориб, давлатга ғалла пунктларига 14290 тонна ўрнига 14300 тонна сарадон етказиб берилди. Далаларимизда 48 та ўрим комбайнидан юксак унум билан фойдаландик, - дейди туман ҳокими Хайит Тожиев. - Ҳосил мўлчилиги ғаллакорларимизни қувонтирмоқда. Бу йил 26500 тонна дон етиштирилиб, республикамиз ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб улуш қўшамиз. Бу республикамиз Мустақиллигининг 8 йиллигига муносиб совғадир.

Каттакўрғонлик Абдурахмон Темировнинг таърифията йўллаган шикоят хати қисқача мазмунини куйидагича эди: «Мен 24 йил давомида бир жойда ишлашди. 1991 йилда янги автомашина берилди. Лекин 1995 йилда мазкур юк машинасини ҳеч қандай асоссиз бошқа шофёр ихтиёрига ўтказишди. Менга бошқа иш беришмади, ишдан ҳам бўшатишмади. Масалани эрта-индин ҳал қиламиз, дейишди-ю, лекин баҳоналардан нарига ўтишмади. Орадан йиллар ўтиб кетди...».

Ушбу ҳолатни ўрганиш жараёнида қуйидагилар маълум бўлди. Одатдагидея ишлаб юрган Абдурахмон Темировни ушунда корхона раҳбари Каттакўрғон туман «Агротехника» бирлашмаси раиси (эндиликда «Собик» Жонгил Рашидова) чакиртиради. У Темиров бошқараётган КамАЗ-5320 давлат рақами 34-83 СНН бўлган машинага Эркин Жўраев ёрдамчи шофёр сифатида бериштирилганини маълум қилди. Темиров бошлиққа эътироз билдирмайди. Тасодифни қарангки, орада бир неча кун Темиров хасталаниб қолади. Ушундан автомашинани бошқариш ёрдамчи ихтиёрига ўтади. Даволашдан қайтган Темиров эса ишсиз қолади. Чунки ушбу автомашинада асосан Россиядан юк ташиларди. Унинг бир неча бор мурожаат қилишига қарамай, корхонанинг ўша вақтдаги раҳбари Ж.Рашидова «автомашина сафардан қайтган, у ўз иш жойини эгаллаши мумкинлигини» айтиди-ю, лекин амалда масалани ижобий ҳал этишга шошилмайди. Бу орада корхона раҳбари икки марта алмашади. Хўш, А.Темировнинг ишдан четлаштирилиши, автомашинани бошқариш Э.Жўраевга топширилиши қонун талабига жавоб берадими? Шу каби саволларга жавоб изларганимиз, ушбу жараёнда мавжуд қонун-қоидалар қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди. Биринчидан, корхона

қаҳидаги буйруқ (01.03.97), буйруққа қадар у билан меҳнат шартномасини тузишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилган. Бунинг ҳам қўя турайлик. Мавжуд ҳужжатларга асосланган бўлса, Жўраевнинг 1995 йилдан 1997 йил 1 мартгача КамАЗ-5320 давлат рақамли 3483 СНН

узун-ҳолик гаплардан нарига ўтмади. Корхона маъмурияти эса фалати мазмундаги маълумотнома тақдим этди. Унда жумладан шундай сатрлар бор: «...Темиров Абдурахмон 1995 йилгача шу корхонада шофёр вазифасида ишлаб келган. 1995 йилдан бери ишламай кетган.

лозим эди. Аммо аслида бундай бўлмади. Шундан кейин ҳам у бир ойдан зиёдорқ вақтини кутиш билан ўтказди. Натижа бўлмаганга, ўз хоҳиши билан ишдан бўшаши ҳақида ариза ёзди. Маъмурият эса қўнунга хилоф равишда уша кунлик, яъни 1999 йил 14 майда А.Темировни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди. Буйруқ мазмунини билан танишсангиз, беихтиёр маъмурият ундан тезроқ кутилишга интилган маълумотнома, деган ўйга борасиз. У ўз хоҳиши билан ишдан бўшашига ариза ёзган экан, демек, бундан бошқа иложи қолмаганлигини ариза берган, деган маънода тушуномо керакдир. Лекин корхона маъмурияти А.Темировга 1999 йил 6 апрелдан 14 майгача бўлган давр учун ҳамда ғайриқонуний ишдан четлаштирилган даврининг бир йили учун ўртача иш ҳақи тўлаши шарт эмасмики? Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 275-моддасининг талаби ҳам ана шундай. Демак, қонун устуворлиги тўла таъминланиши керак.

Рустам ҚУРБОНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## Бир шикоят изидан «ЎЗ АРИЗАСИГА БИНОАН»

шофёрни ишга қабул қилишга доир ҳужжатлар ва буйруқ йўқ. Уни ишга қабул қилишга оид буйруқ 1997 йил 1 мартдагина чиқарилган. Лекин шикоят асосида текширув ўтказилган кунни ҳам унинг меҳнат дафтарида ва бошқа шахсий ҳужжатлари корхона кадрлар бўлимида мавжуд эмасди. Шунингдек, Э.Жўраевни ишга қабул қилиш

автомашинасини бошқариш ноқонунийдир. Хар ҳолда биз шундай хулосага келдик. Ушбу масалани охиригача ойдинлаштириш тегишли идоралар ваколати, албатта.

Энди яна Темиров масаласида. Унинг ўтган давр мавқойида ишсиз қолишининг сабабини сураганимизда корхонанинг собиқ раҳбари Ж.Рашидова

**Республикамиз фуқаролари, касаб  
уюшма вакиллари Тошкентда ўта оғир  
жиноятлар содир этган шахслар устидан  
чиқарилган суд ҳукмини яқдил  
маъқулламоқдалар**

# ҲАҚЛИ ЖАЗО!

Биз бағри кенг, кечиримли халқимиз. Бироқ, ватанфурушлар, сотқинларга шафқат қилмаймиз

Мени бир нарса қийнамоқда. Тўғри, барчага ҳам ўлкамизда амалга оширилаётган ислохотлар ёқавермаслиги мумкин. Муваффақиятларимизни кўролмайдиган ганимларимиз борлиги ҳам табиий бир ҳол. Лекин ўз орамиздан чиққан ва юртимизни яна ўтмишда кечирганимиз истибод ботқоғига тортоқчи бўлган ватанфурушлар нимани истайди? Халқимизнинг шунча йиллар азовуқубатга гирифторми қилинган ози эди?! Ўтган асрнинг олтишин-

лиси жамоатчилигининг фавқуллодда 4-қурултойи бўлди. Унда Туркистон халқ мажлиси ва ижро этувчи ҳокимият - Туркистон Мувоққат кенгаши сайланди.

Аммо ўлкадаги Ишчи ва солдат советининг бошида турган большевиклар Мухтор Туркистон ҳукуматини тан олмадилар. Унинг одилона дастури, яъни ерли халқ манфаати инкор этилди...

1918 йил 8 февралда Кўқон совети кучлари ва Тошкентдан юборилган харбий қисмлар Эски шаҳарга бостириб кир-



сўқир кўзлар бор экан. Аллақандай ҳалифалик деб аталмиш хомхаёл билан тажрибасиз ва гўр ёшларни йўлдан оздираётган ғаламисларга лаънатлар бўлсин! Алғов-далғов замонларда мажбуран ватангадоликни ихтиёр этганларнинг фарзандлари бугун отабоблари киндик қони тўкилган бир сиқим тупроқни кўзларига тўтиё қилсам деб турса-ю, ўзимиздан чиққан ватанфурушлар, сотқинлар ва хоинлар орамизда туриб иғво тарқатиб юрсалар, эл тинчлигига раҳна солсалар, даҳшат эмасми?

Ким хиёнат йўлига кирса у биздан эмасдир, дейилади Муборак китобларда. Илло, ўзи туғилган Ватаннинг қадрига етмаган, ота-онасининг юзига оёқ кўйган, эл назаридан қолган кимсаларнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам қоронғу зулматдир.

## ВАТАНИМИНИНГ БИР СИҚИМ ТУПРОҒИ

Унга дунё бойлигини алишмайман

Акмал ЙЎЛДОШЕВ, Республика касаб уюшмалари Федерацияси қошидаги курортлар бошқармаси бошлиғи

чи йилларида шимолдан келган истилочилар зулми ва ҳатто ундан кейин ҳам ваъда қилинган ҳурлик ўрнига дили кемтиклиги кўли қалталик ила ўтган етмиш йиллик тарихни наҳотки фаромуш этиш мумкин бўлса?

Ўзбекистон энциклопедиясига шундай сатрлар ёзиб қўйилди: «1917 йил 26-28 ноябрда Кўқон шаҳрида Ўлка мусулмон аҳо-

дилар. Кўқон шаҳри ва атрофдаги қишлоқлар аҳолиси қиргин қилинди, ўн минглаб бегуноҳ одамлар ўлдирилди, икки юзга яқин қишлоқ ёнли қалталик ила ўтган, таълон-тарож ва зўрлашлар наҳотки фаромуш этиш мумкин бўлса?»

Ўттизинчи йиллардаги қатагонлар ва кейинчалик «Пахта иши» деб аталмиш тамға излари ҳали қалбларимиздан бутунлай ўчгани йўқ, ўчмайди ҳам. Афсуски, орамизда ҳамон басир,

сўқир кўзлар бор экан. Аллақандай ҳалифалик деб аталмиш хомхаёл билан тажрибасиз ва гўр ёшларни йўлдан оздираётган ғаламисларга лаънатлар бўлсин! Алғов-далғов замонларда мажбуран ватангадоликни ихтиёр этганларнинг фарзандлари бугун отабоблари киндик қони тўкилган бир сиқим тупроқни кўзларига тўтиё қилсам деб турса-ю, ўзимиздан чиққан ватанфурушлар, сотқинлар ва хоинлар орамизда туриб иғво тарқатиб юрсалар, эл тинчлигига раҳна солсалар, даҳшат эмасми?

Ким хиёнат йўлига кирса у биздан эмасдир, дейилади Муборак китобларда. Илло, ўзи туғилган Ватаннинг қадрига етмаган, ота-онасининг юзига оёқ кўйган, эл назаридан қолган кимсаларнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам қоронғу зулматдир.

### ҚАЛБ НИДОСИ

«Жамшидга доим шошиб юрасан деб ҳазиллашардик. Уша машъум воқеа юз берган кунни ҳам агар ишга ҳеч бўлмаса 3 дақиқагина шошмасдан келганда эди, шубҳасиз омон коларди. Қисмат экан-да, бўлмаса одамзод ҳеч замонда ўлимга ҳам шошиладими? Йигит киши учун 24 ёш ҳам ёш бўлдими?»

(Собиқ курсдошлари даврасидаги суҳбатдан)

Бу дунёга шошиб келиб, шошиб кетдинг, Дарё эдинг, қиргоғиндан тошиб кетдинг, Дардди дилга, дардли хотир қўшиб кетдинг, Увол кетган йигит жонинг зори тутсин Дарё дилнинг чертилмаган тори тутсин.

Сен ҳақ учун минг заррага бўлиндинг, дўст, Озодлиқнинг туғларига илиндинг, дўст, Огоҳ дилда бир бонг бўлиб чалиндинг, дўст, Шаҳид кетган йигит жонинг зори тутсин, Ул имонсиз юрт ёвларин дўзах ютсин.

Жамшид эдинг, гул тахтларинг, вайрон қолди, Юракларда сени кўсмаб фиғон қолди, «Дадажон» деб зор йиғлаган бир жон қолди, Разилларни гўдагининг охи тутсин, Хур Ватаннинг кўксидеги доғи тутсин.

Бир нур эдинг кўнгилларда шуъланг қолди, Бу дунёда айтилмаган ноланг қолди, Дилбар ёринг, бешиқдаги боланг қолди, Гул умрининг уволлари тутсин ёвни, Озодлиқнинг заволлари тутсин ёвни.

Қолган умринг хотирларда кечар энди, Сенинг номинг тинчлик бўлиб учар энди, Мозорингни эл дуоиси кучар энди, Жамшиджон сен икки дунё ободлиқсан, Юракларда мангу қолган ОЗОДЛИҚСАН!

Дилмурод ҚОСИМ.

## ЖОҲИЛЛАРНИ НОРАСИДАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ ТУТДИ

жойига қўярди. Боиси бу ажойиб инсон тўюмаъракаларда жонбозлик кўрсатарди. Ёшларни ватанпарварлик ва аънаналар руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Кўчамизга шубҳали кимса ораласа, албатта у даставвал Нурғалининг назарига тушарди. Ана шундай синчков, ҳар бир масалага давлат нуқтаи назаридан ёндашадиган кишиларнинг сый-ҳаракати билан маҳалламизда соғлом муҳит яратилди. Кишилар ўртасида меҳр-оқибат кучайди. Ўйларни камчиқим, замонавий ўтказишда кўпчиликка на-

Равил АЗИЗБЕКОВ, хизматчи, Юнусобод тумани

муна бўлиб келяпмиз. Ҳаёт қизиқ экан, бахт ва бахтсизлик ёнма-ён юради, деганлари айни ҳақиқат бўлиб чиқди. 16 феврал кун Нурғали ўз хизмат бурчини бажариш чоғида террорчилар томонидан уюштирилган кўпоровчилик ҳаракатининг қурбони бўлди. Ёвулар бахтли оилани ғамга ботирдилар. Хали ҳаётда деярли ҳеч нарса кўрмаган, орзулари ушалмаган йигит бевақт ҳаёт билан видолашди. Жажжи қизчаси бўзлаб қолди. Хонадонига қадан ранжида қилсақ, фарзандининг кўз ёшини кўриб

Айни кунларда Юнусобод туманидаги «Иттифоқ» маҳалласида ҳам ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни намунали ташкил этиш, ҳуқуқ - тартибот ходимлари билан учрашувлар ўтказиш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Суратда: Маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Зухра Ёриева ҳамда фаоллардан Мавлуда Усмонова ва Малика Нажмидиновалар тартибот ишларини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикрлашишмоқда.**

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматовнинг 16 феврал воқеалари муносабати билан Президентимизга йўллаган мактубида шундай сатрлар бор: «Мухтарам Ислам Абдуганиевич!

Буюк шахсининг жасорати тарихнинг шундай кучи, ёвузлик унга қарши зимдан туриб ҳужум қилди ва айни пайтда террорчилар бу йўлда бегуноҳ инсонлар қурбон бўлишини ҳисобга олмайди... Шуни тасдиқлаш мумкинки, Сизнинг номингизга бутун дунёнинг диққат эътибори ва бирдамлиги қаратилган».

## «ҲИЗБУТ – Т – ТАҲРИР» ОИЛАЛАРНИ КУЙДИРДИ

Маликабону МЕҲМОНОВА, уй бекаси, Жиззах шаҳри

Курьони қаримда динда ихтилоф қилманглар, фирқа-фирқа бўлманглар, дея марҳамат қилинган. Кечагина панжара ичида йиғлаб турган ва бугун муносиб жазосини олган йигитлар ўз гўрликларини, тубанликларини оқибатда қандай ишларга қўл уриб қўйганликларини энди-энди тушуниб етган бўлсалар ажаб эмас. Экстремист бўлиш, ўз ери, ўз ватанини сотиш, улугларга қарши бориш нақадар оғир жиноят.

имконимиз билан ҳаракат қилмоғимиз даркор. Кўпни кўрган инсон сифатида «Ҳизбут-т-тахрир» оқимининг ниҳоятда хавфли эканлигини

## ЮРТИМИЗГА КЎЗ ТИККАНИ ЎЗИМИЗ ДОДИНИ БЕРАМИЗ

ТОШТЕМИР ПОЛВОН, ЭРАЛИ ПОЛВОН, РУСТАМ ПОЛВОН, Сурхондарё вилояти

Ҳа, террорчиларнинг ёвузликлари ер юзидаги барча тараққийпарвар кучларни ҳам қаттиқ газаблантирди. Ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва осойишталик тимсоли бўлган юрт Президентига ҳурмат, эҳтиром, бирдамлик янада ошди. Боиси жумлаи жаҳон биладики, Президент Ислам Каримов Худо берган кучли салоҳияти туфайли ўз халқини бўҳронлардан омон-эсон олиб ўтиб, жаҳонга танитди. Бошқасини қўяверинг, қизил империя даврида ўзбек полвонларини ким ҳам назарга илди. Ушанда жаҳон чемпиони бўлиш ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгил эди. Президентимиз бизни катта спортга — жаҳон майдони сари етаклади. Алпомишқелбат ўзбек полвонлари доғру таратди.

Биз ўз Президентимизни жон дилдан севамиз. Шундай йўлбошимиз борлигидан фахрланамиз! Тур-

ли жабҳаларда эришилган барча муваффақиятларимиз, мустақил Ўзбекистонимизнинг нури келажагини Ислам Каримов тимсолида кўраемиз. Унинг учун жонимизни беришга ҳам тайёрмиз. Давлатимиз раҳбарига кўз тиккан, муқаддас динимизга қарши борган ярамас террорчиларнинг жигини ўзимиз эзиб қўямиз.

22 нафар жиноятчи нисбатан гоёт адолатли ҳукм чиқарилди. Ватанга қарши боришдан оғир жиноят борми? Бундай айб билан суднинг қора курсисидан ўтиришдан кўра юз марта ўлган яхши.

Истиқлолимиз иморати мустаҳкам, бу қутлуқ иморатнинг Бош меъмор сергак. У ҳамиша, элим, юртим, фарзандларим дейди. Иншооллоҳ ўз юртимизни ҳар-хил балоқазолардан авайлаб асрашга куч-қудратимиз етади.

## ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС

Бу йўлдан қайтинг. Бу хато йўлдир, мусибат йўлидир

Нодирмат ОХУНОВ, меҳнат фахрийси, Гулистон шаҳри.

Ва ниҳоят, суд ҳукми ўқилди. Олти кишига олий жазо, ўн олти кишига турли муддатга қамоқ жазоси белгиланди. Суд уларга жазо тайинлашда Президентимиз ва халқимизнинг кечиримли эканликларини ҳам назарда тутди...

Шу билан 16 февралда мамлакат пойтахтида содир этилган террорчилик ҳаракати иштирокчилари устидан бошланган суд жараёни ниҳоятсига етди. Лекин, айтиш лозимки, ўша воқеалардан сўнг қалбларимизда жунбушга келган ҳис-ҳаяжонли саволларнинг бир қисмигагина жавоб олинди. Сабабки, юртимизни яна ўрта аср маҳдудлигига қайтармоқчи бўлган манфуруларнинг муайян қисми ҳамон очқанда - қай бирлари ўзга ватанлардан «ватан» топиб, қай бирлари ҳамон пана-панада писиб ётибди.

Ётибди, деб чамаси юмшоқроқ айтдим. Ҳар хил бўхтону тўхматлар битилган варақалар, мишмишлар, ҳануз эл осойишталигини бузишга, айрим иродаси суст кимсаларни йўлдан оздиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар ҳали илонинг боши янчиб ташланмаганлигини тасдиқламоқда. Биз бир нарсани яхшилаб англаб олмағимиз даркор. 16 феврал воқеаларидан кейин, ҳар кун ва ҳар он, ҳар шубҳали хатти-ҳаракатдан огоҳ бўлмоғимиз лозим.

Ўлимга маҳкум этилган йигитларнинг панжара ортидан туриб айтган пушаймонлик сўзларини ҳаммамиз эшитдик. Бу - даҳшат! Билмадим, бу кимсаларнинг ўзлари каби адашганларга қарата айтган - бу йўлдан қайтинглар, бу хато йўлдир, деган сўзларини эшитиб, ким нимани ўйлади экан? Уларни тубсиз жарга улоқтирган, яна қанчалаб ёшларни қурбон қилишга тайёр турган «устоз»лар-чи?

Билишсинки, сотқинлар, хоинлар, ватанфурушлар албатта жазога маҳкум. Бунга узоқ тарих гувоҳ.

## ЎЛИМГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАНЛАР КИМЛАР?

Неъмат ҚУРБОНОВ, Қарши туманидаги «Ўзбекистон Мустиқлиги» жамоа-ширкат хўжалиги касаб уюшма кўмитаси раиси

Ватанфурушлар, сотқинлар. Хоинлик қилиб ўз она юртига яна кишан кийдиromoқчи бўлган малъунлар. Ун тўрт асрдан бўён халқимиз ихлос билан амал қилиб


келаётган диний эътиқодимизга раҳна солиш пайида бўлганлар макрима учиб, энг бебаҳо неъмат - юртини, эътиқодини, жиғарлари-ю ошна-оғайнисини пулга сотган, бу қовоқ каллаларида, муз юракларида ишқ муҳаббат, садоқат, фидойилиқдан асар бўлмаган пасткашлар. Террорчилик ҳаракатини содир этиб, қанчадан-қанча бегуноҳ

одамлар умрини ҳазон қилган, кўлини қонга булганган қотиллар.

Етти иқлимда ўхшаши йўқ жаннатмакон юртда яшаб, ўзга юртлардан жаннат қидирган ношуқурлар, нонқўрлар. Ватанининг, ота-онасининг қорига ярамаган, уларнинг дуосини эмас, қарғишини олган ва охир оқибат Тангрининг газабига учраган энг бахтсиз кимсалардир.

Яратган эгам ҳеч бир банди мўминни бундай қисматга дучор қилмасин.

Саҳифани тайёрловчи: Мирғиёс ҚАЮМОВ



Пойтахт метрополитенининг учинчи - «Юнусобод» йўналишида ишлар тобора авжга чиқмоқда. Узунлиги 7,6 км. бўлган «Минг ўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатларида қурувчилар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қолган 3 та - «Файзулла Ҳужаев», «Юнусобод», «Туркистон» бекатларида ҳам иш бошлаб юборилган.

«Бодомзор» ва «Минор» метро бекатларининг оралигини туташтирувчи ер ости поезди йўли 930 метрни ташкил этади. Шу кунгача ўнг томондаги ер ости йўли 783 метр масофада қовланди. Чап томондаги эса 600 метр. 22-шахта участка бошлиғи Костас Мичос Хондрониснинг айтишига қараганда, ҳар ойда метро соҳдорлар 50 метр масофадаги ерни навбатдаги босқич ишлари учун ҳозирлаб қўйишмоқда.

Суратларда: Пайвандчи Сергей Ананьев. «Юнус Ражабий» метро бекатида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишларидан лавҳа. Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.


### Мавсум пешқадамлари

Ҳозирги кунда Касби туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги далаларида галла ўрими-йғими қизгин давом этмоқда. 1400 гектар майдондаги галлазорда 12 та комбайн юксак унум билан ишлатилмоқда. Мавжуд майдонларнинг гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ва 5600 тонна сифатли дон тайёрлашга бел боғлаган миришкор деҳқонлар мавсумни намунали ташкил этиб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Мухторов сингари комбайнчилар пешқадамликни қўлдан бермаётдилар. Уларнинг ҳар бири кунига 4,5-5 гектар ердаги бўғдойни ўриб-янчи олишга муваффақ бўлмоқдалар. Мавсумда 120-150 гектар ердаги ҳосилни ўриб-ян-

4 гектар ердаги галлани ўриб олиш режалаштирилган. Ҳозирги кунда галлазорда 12 та комбайн юксак унум билан ишлатилмоқда. Мавжуд майдонларнинг гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ва 5600 тонна сифатли дон тайёрлашга бел боғлаган миришкор деҳқонлар мавсумни намунали ташкил этиб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Ўрими-йғимга биринчилардан бўлиб киришган Эргаш Отаниёзов, Жуманазар Рўзиёв, Яхши Шарипов, Юнус Махмудовлар етакчилик қилаётган бригадалар ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан арпа ва бўғдой янчиб олдилар. Айни чоғда деҳқонлар галласи йиғиштириб олинган майдонларни сомондан тозалашмоқдалар ва сифатли шудгорланмоқда. Майдонлар сугорилиб, ўрига такрорий экинлар эчкилмоқда.



## ГАЛЛАЗОРДА ҲАЁТ ҚАЙНАЙДИ

Дони исроф қилмасдан ўриб-янчи олишнинг ўз олдиларига вазифа этиб қўйган Комил Мардонов бошлиқ бригада далада қайноқ меҳнат жўш ураётти. Бу ерда ҳар бир гектардан ўртача 50 центнер атрофида хирмон кўтарилаётти. Ана шу эзгу қасадлар йўлида пешона тери тўқаётган «олтин бошоқ» иждоқорлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Майдонлардан йиғиштириб олинган дон пеш-

ма-пеш қабул омборларига етказиб берилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, шартнома бўйича давлатга дон сотиш йиллик режаси бажарилгандан кейин қолган галла бригадани ишчиларига сотилади. Режадан ортқча етиштирилган дон маҳсулотларининг бир қисми эса жамоа аъзоларига бепул тарқатилади.

Галла ўришда Қосим Бўронов, Рустам Мирзаев, Рашид Маҳмудмуродов, Баҳром Абдуллаев, Ҳасан

чиб олишга аҳд қилган меҳанизаторлар ишни икки сменада ташкил этганлар. Ҳосилни ташишда 8 та тежежа ажратилган.

Ширкат хўжалик бошқаруви, касоба уюшма кўмиталари мавсумда қатнашадиган галлакорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ўрими-йғимини қўлқабул қилишда туга-тиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишган. Унга кўра иш икки сменада ташкил қилинмоқда. Бир кунда ҳар бир комбайн билан

Жўра ЮСУПОВ.

## «РАСМЛАР КАРВОНИ-99»

Ўзбекистон болаларининг «Расмлар карвони-99»: Ороддан Шимолий денгизга қадар» кўчма расмлар кўргазмаси яқинда Голландияга келирилди. Тошкент, Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Наманганда истиқомат қилувчи болалар чизган 80 та расм Арнем шаҳрида дастлабки томошабинларни хушнуд этди. «Де Хоммел» болалар ижодиёти марказида бўлиб ўтган кўргазма очилиши маросими бу ерлик болалар учун ҳақиқий байрамга айланди.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Голландиядаги бош консули Д.Рахмонов бугунги кунда болаларимиз ўртасида йўлга қўйилаётган дўстлик келажақ авлодларга ҳам ўтишини, бу эса шубҳасиз, Ўзбекистон ва Голландия халқларини яқинлаштиришини таъкидлади.

Болалар расмларининг кўчма кўргазмасини ташкил этиш фикри ўтган йил Голландиядаги ёшлар клуби етакчилигинда бирининг ўзбекистонлик ёш сайёҳлар билан учрашуви пайтида туғилган эди. Ташаббусни «Работ Малик» сайёҳатчилар уюшмаси билан республика «Класс» газетаси қўллаб-қувватлади.

«Расмлар карвони-99» кўргазмаси ташкилотчиларининг асосий мақсади ўзбекистонлик ва голландиялик болаларни дўстлаштиришдан иборат. Ҳар бир расмда унинг муаллифи ҳамда манзили ёзилган. Агарда қимдани расм муаллифи хат ёзма қўл ёзиш бўлса, асло қўйилмайди. Икки томонлама истақ туғилганда эса, дўстлашишдан осони йўқ.

Кўргазма очилиши кунини голландиялик болалар Ўзбекистондан келган карвон ҳақида Европадаги бошқа мамлакат болаларига хабар беришга киришдилар. Уларга бу ишда нима ёрдамга келди деген? Шамол! Арнемлик ўқувчилар «карвон» белгиси туширилган қоғозларга ўзлари ва янги дўстларининг исмини ёзиб, уларни ҳаво шарларига боғлаб осмонга учиривди. Ҳаво очик, денгиздан шамол эсиб турар эди. Ҳаво шарлари бутун Европа бўйлаб тарқалди.

Д.САИТОВА, ЎЗА мухбири.

## Касаба уюшма ҳаёти: болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ва муаммолар

Ўтган сўхбатимизда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига муносиб тарбиячи ва етакчиларни жалб этиш ҳақида фикр-мулоҳазалар юритган эдик. Халқимизда яхши ният-ярим мол, деган мақол бор. Олий ўқув юртлиги маъмуриятлари бу истагимизга эътибор бериб, келажагимиз эгалари болалар тарбияси нихоятда зарурлигини туйшунган ҳолда ўқув дастурига тузатишлар киритдилар деб ўйлаймиз. Ҳозирча ҳар имкониятдан фойдаланишимиз лозим бўлади. Тажрибали мутахассис Данил Абдуллаев билан гапдаги сўхбатимиз шу хусусда.

**САВОЛ:** Отряд етакчиларининг кўпи етарли тажрибага эга эмас. Шу сабабли касоба уюшма матбуоти орқали қисқа тарзда бўлса ҳам маслаҳатлар берсангиз.

**ЖАВОБ:** Отряд етакчиси ва тарбиячи - улар ўзига хос катта оқилнинг даргалари. Улар дам олиш мавсумида ҳар бир болага ота-она, ака-ука

ўртоқлашишга доимо тайёрмиз. Езма услубий маслаҳатлар, тавсияларимиз ҳам йўқ эмас.

**САВОЛ:** Оромгоҳда ташкилий-оммавий ишларни олиб бориш ва унинг хиллари ҳақида сўзлаб берсангиз?

**ЖАВОБ:** Оромгоҳда олиб бориладиган барча ташкилий-оммавий ишлар ёшларнинг ихтимойи ва

Оромгоҳда эстетик тарбия катта ўринни эгаллаши керак. Бунда эса тарбиячилар, етакчилар билим даражаси муҳим рол ўйнайди.

Езувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан учрашувлар, поэзия кечалари, китобхонлар конференциялари, адабий викториналар, эртақлар карнавали, космик карнавал, «Йўла, изла, топ!» танловлари, «Оромгоҳ сайли» байрами, «Нептун» байрами, ёш санъаткорлар танловлари, зукколар ва топқирлар беллашувлари, дискокулб ишлари ва бошқа тадбирлар бу ишни режалари ва тартибли, бир мақсад йўлида олиб бориш имконини беради.

**САВОЛ:** Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмо-

## ЭЗГУЛИККА ТАШНА ҚАЛБИМИЗ

ўрнини ўташлари лозим. Педагогик билим билан, ғамхўрлик билан ёшларни тарбияламоқчилик керак. Уларга шундай керак келади: Етакчи, шунинг эсдан чиқармаганини, ишининг муваффақияти, ишининг аъзоларини қанчалик яхши билишини кўп даражада боғлиқ. Сенин ҳар бир сўзинг, хатти-ҳаракатинг, оддий ва тоза кийинишинг, ишдошларингга ва катталарга муносабатинг уларга ўрнак белгиси ва буни ҳар қачон ёдда тутишинг даркор.

Болаларни уришишга, буйруқ бераверишга одатланма. Улар зада бўлиб қолишад. Болаларга ҳурмат билан қара, ҳар бир бола сенда доимо ёрдамга тайёр одамни кўрмоғи лозим. Бақир-қичқил билан болаларни қизиктирма, кўрма, эътибордан қолсан. Болаларга қизиқари ёғлар, фикрлар бериш, ижодий изланишга йўл очиб керак, бўлмаса отряд ишлари сусайиб қолади.

Етакчи иждоқор бўлмоғи, ўз устиде ишлаганда тинмаслиги, ҳамкасблари ишини ўрганиб, яшларини қўллаб-қувватлаш керак.

Иш юзасидан ҳар кунги йиғилишда аввалги кунга яқин яш, ишининг муваффақиятини, ўрнак оларлигини таъкидлаш, маънавий рағбатлантириш, юз берган камчиликларни ўртоқларча биргаликда муҳокама этиб, уларни бартараф этиш фойдадан холи эмас. Турли тадбирлар, байрамлар ўтказишда янги ишга қўлланганга услубий ёрдам кўрсатиш албатта керак. Ҳаттича-лаётган қуриқлар, танловлар, спорт мусобақалари, турли анъанавий байрамларни жамоа бўлиб муҳокама этиш ҳам жуда яхши мактаб ўрнини ўтайди.

Албатта бу ишнинг майда томонлари кўп. Лекин уларнинг ҳаммасини матбуот орқали баён этиш қийин. Агар оромгоҳлар жамоалари бизга келишса, тажрибаимизни меҳнат қилишга қорлади. Шу мавзуда қўллаб-қувватлаш керак. Аммо шундан ўз ижодига кўларга кўтарган шўро тузуми, унинг шайқатсиз сиёсати йиғит ёшида умрига зомин бўлди. 1937 йилнинг совуқ буюрларни бутун ижоди давоми ёниб қўйилган шoirни ўз домига тортиди.

меҳнат фаоллигини ошириш, ватанпарварлик ва байналмилалчилик, миллий анъаналарни ўрганиш, уларни жисмоний ва маънавий камолотга етказишга йўналтирилмоғи даркор.

Ҳўш, ватанпарварлик ва байналмилал тарбия юзасидан қандай ишларни амалга ошириш мумкин?

Муштақил Ўзбекистонимиз, унинг тарихи тўғрисида вивториналар, мароқли сўхбатлар, мусобақалар уюштириш энг қизиқарли усуллардан биридир. Ўзбекистон муштақиллигига бағишлаб қўшни оромгоҳлар билан қўшма тадбирлар ўтказиш, хорижий мамлакатлар болалар ташкилотлари ҳақида сўхбатлар ва кўрик-танловлар, аждодлар сулоласи ҳақида, ўзбек тили билимдонлиги бўйича турли шаклда тадбирлар уюштириш бу ишда қўл келади.

Ўғил-қизларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш юзасидан ишлар даражаси ҳам кам бўлмаслиги керак. Меҳнат ҳақрамонлари, ишлаб чиқариш илгорлари билан учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар яхши самара беради. Илоҳи бўлса яқинда жойлашган корхоналар, жамоа хўжаликларига экскурсиялар ташкил этиш болалар учун нихоятда қизиқарлидир. Жамоа хўжаликларига ҳосилни йиғишда ёрдам уюштириш, оталикдаги болалар боғчасига ёрдам, «Меҳнат ва ҳосил» байрамини ўтказиш, оромгоҳ боғини парвариш-лаш, спорт майдончаларига қараш, хўжалик ишлари билан шуғулланиш меҳнат тарбиясига йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Еш спортчиларимиз оромгоҳларда спартакиадада албатта қатнашадилар. Ҳар йили республиканинг машҳур спортчилари билан учрашув ўтказиш анъанаси айланган қолган. Бу учрашув олтидан одатда спорт мавзюда сўхбатлар, викториналар ташкил эта-миз. Ўйлайманки, бу йилги мавсумда жисмоний тарбия ва спорт янада кенгрок ўрнини эгаллайди.

**Суҳбатдош:** БУДИР ПЎЛТОВ.

**ТАХРИРИЯТДАН:** Педагогика фанлари номзоди Данил Абдуллаев чорак асрдан кўпроқ вақтдирики болаларни соғломлаштириш оромгоҳининг бошлиғи. Шу йил мавсум олтидан кўп йиллик иш фаолияти тажрибалари асосида болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ходимларига ёрдам сифатида услубий маслаҳатлар ва тавсиялар тайёрлади. Тошкент шаҳар касоба уюшмалари кенгаши уни тўплам сифатида нашр этди.

Маъмур тўплам ёзги соғломлаштириш билан шуғулланувчи студентлар, ўқитувчилар, ташкилотчиларга мўлжалланган. Отряд тарбиячилари, етакчиларига турли тадбирларни ўтказиш, сценарийлар тайёрлаш ва бошқа катта-кичик ишларни бажаришда муҳим қўлланма сифатида асқотлади.

## ШИРИН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ширин шаҳри кейинги йилларда улкан қурилиш майдонига айланиб бормоқда. Бунда шаҳардаги 21-қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Бошқарма бунёдкорлари йил бошдан буён 16 миллион 500 миң сўмлик иш бажарди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 3 баравар кўп демақдир. Айни пайтда қурувчилар банк биноси

қурилишини поёнига етказишяпти. Шунингдек, «Нуробод» шаҳарчасида қишлоқ врачлик пункти, 150-автомобил жамоаси учун дам олиш маскани ҳам тез суръатда бунёд этилмоқда.

Йил охиригача бошқарма жамоаси 26 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришни режалаштирган.

(ЎЗА)

## ДАРОМАД МАНБАИ

Боғдод туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигида бошоқли дондан бўшаган майдонга такрорий экин сифатида илк бор шолини қўчат усулида етиштириш йўлга қўйилди. Бунда одатдагига қараганда шолни эрта пишиб етилади, ҳосилдорлик ортади.

Бу йил хўжаликдаги 10 гектар ерда шолни ана шу усулда етиштирилди. Бу экин майдонлари 20 нафар ижарачига бўлиб берилди. Топмонлар билан келишилган шартномага мувофиқ ижарачиларнинг ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топшириши кўрсатиб ўтилган.

## Доимо қандайдир ташвишлар билан шошилиб-рок юрадиган Волидахон олани бугун чохрасида табассум йўнаган ҳолда учратиб қолдим.

— Мана, домлажон, табриқлашингиз мумкин, — дедилар кўлимга мўъжазгина китобча тутқазиб. — Истиклолимиз офтоби биз сингари юраги олтими йил азобланган бечоралар пешонаси-га ҳам нур сочди.

Китобча Волидахон оланинг отаси шоир Рафиқ Мўминнинг «Қапчиғой» деб номланган шеърлар тўплами эди. Ҳўш, ҳозирги авлод яхши билмайдиган шоир аслида ким бўлган ва унинг тақдирини қандай кечган?

Рафиқ Мўмин ўз даврида лирик ва ҳажвий шеърлари, достонлари, хабар ва мақолалари билан катта шухрат қозонган. У зиннинг «Қапчиғой» достони билан 20-йиллар ўзбек поэзисиде шу жанрни бошлаб берган. Номи ўша замонда Файратий, Ҳамид Олимжон, Миртемир ва Усмон Носирлар исми билан ёнма-ён турган. Зеро, ҳассос ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ҳам Рафиқ Мў-

минга «20-йиллар ўзбек поэзисини беазаган шоир» дея баҳо берган эди. Шоирнинг отаси мулла Мўмин гарчи фақир киши бўлса-да, адабиётга ихлос қўйган эди ва дўстлари билан ўз уйда тулланишиб Навоий, Ҳувайдо, Ҳувайдо ва Машраб сингари мумтоз адабиёт вақилларининг китобларини кўп мутулаа қилишарди. Бу эса ўз навбатида ёш Рафиқ дунё-қарашининг шаклланишида шубҳасиз, ўз таъсирини ўтказган. Бинобарин, у болалигидан шеърлар ёдлашини севар, мадрасада ўқиб юрган кезларида ҳам кўп вақтини шу машғулота бағишларди.

Рафиқнинг касб-кори ўқитувчилик эди, бутун билими, куч-қувватини маърифат тарқатишга бағишларди. Бугунги кунда бутун Ўзбекистонга номи танилган қатор олимлар, таниқли кишилар, раҳбар ходимлар билим олган Наманган шаҳридаги 7-мактабнинг ташкилотчилари

## Қатагон қурбонлари

дан бири ҳам ана шу шоир бўлган. Ушбу билим масканида Р.Мўмин билан ёнма-ён ишлаган машҳур халқ артисти Раззоқ Ҳамроев ўз эсдаликлариде шундай деб ёзган эди: «У гоят хушмуомала, юксак маданиятли, ҳар тарафлама билимга эга бўлган киши эди. Атрофидан одамлар аримасди. Айниқса, болалар доимо оғирди-капалак бўлишарди. Нега деса, ҳаммиш, ҳаммиш, янгидан-янги эртаклар беришдан чарчамасдилар. Буни кўриб мен домла ҳар кунни кечкурунлари улариде эртак тўкиб келсалар керак, деб ўйлардим. Ешлар қаторида мен ҳам кўндан-кўн эртакларини тинглаганман».

Ҳақиқатан, Рафиқ домла болаларни севар, уларга атаб турли эртаклар, шеърлар ижод қилишдан толмасди. «Етимлар йиғини», «Балли, кен-

жатоим», «Гул капалаклар» каби қатор шеърлари бунинг далилидир. Шу билан бир қаторда Рафиқ Мўмин яхшигина хонанда ва бастакор ҳам бўлган. У ўз шеърларига куй басталаб, болаларга ўргатарди.

Р.Мўмин ўша йилларда бадий ижод билан фаол

## Мен икки-уч ёшли қизалоқ эдим, — дея эслайди Волидахон опа. — Тун яримда уч нафар миллионер уйимизга бостириб келиди.

Улар дадамни олиб кетгани келишганини айтишлар. Отам эса онамга бизни эҳтиёт қилишни тайинладилар-да, тўнларини елдаларига солиб, эшикка қараб юрдилар.

Шу кўйи шоирдан узоқ йиллар ҳеч қандай хат-хабар бўлмади. Рафиқ Мўмин ўзи билмаган «жинояти» учун ўн йилга кесилиб, узоқ Самара вилоятида қамок

муддатини ўтади. Бу аччиқ ва аламли йилларда Рафиқ Мўминнинг ўғил-қизи вафот этган, оила тирикчиликдан нихоятда қийналган, «халқ дўшмани»нинг хотини бўлганлиғи сабабли Комила опага ҳеч қаредан иш берилмаган эди. Бехад қийинчиликлар ва йўқотишлар ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. 1945 йилнинг охириларида шоирнинг хотини Комила опа оғир касалликдан вафот этади. Болаларни эса қариндош-уруғлар бўлиб олишарди.


Орадан роппа-роса ўн йил ўтанидан сўнггина Рафиқ Мўмин қамқондан қайтади. Бироқ уни таниш амри маҳол эди. Аввалги жингалак соч, қайноқ қалбли шоирнинг сосоигина қолгани, холос. Озиб-тўзи кетган, совуқ ўрмонларда, белчага қорда тинимсиз ишлаш оқибатида ўпкасини совуққа олтирган, оёғида зўра турарди. Бу ҳақда ўтган йиллар ичида анча ақли кириб қолган қизи Волидага қараб: «Менинг касаллик оғир, тузаланишни қийин. Упка сини ёмон касаллик, сени болалар уйига жойлаштирма, дардим юкиб қолмасин

тагин», дейди.

Шоирнинг қаергадир ишга жойлашши, янгидан уйлини, турмушини йўлга қўйишга уриниши бехуда кетади. Ҳўш, она болаларни сиғдирмайди. Фарзандлар қайтадан қариндош-уруғларниқига тарқалишди. Волида эса болалар уйига жойлашди. Рафиқ Мўмин қайта қўлига қалам олмайдди, совуқ ўрмонларнинг қайноқ овозини сўндириб қўлган эди...

Рафиқ Мўмин зах турмалар, совуқ ўрмонларда ортирган дарддан 1951 йилнинг 5 мартида вафот этди. Отаси тортан дарддан оғох бўлган, унинг насихатларини қулоққа олган Волидахон опа шифокор бўлиб етишди. Бошқа болалари ҳам ҳаётда ўз йўларини топиб кетишди. Минг қўйла-масин, барибир қадрига етмаган замондан жафо чеккан шоирни истиклолимиз ардоқлади. Унинг номи ўзи яшад ўтган маҳаллага қўйилди. Шеърлари қайта нашр этилмоқда, ўқувчилар томонидан севиб ўқилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



шугулланди, қўллаб лирик ва ҳажвий асарлар яратди. «Муштум», «Машраб» каби ҳажвий журналларнинг фаол мухбирига айланди. «Ерилош», «Ишни бобо», «Ойдин», «Заҳоки морон» каби пьесалар ёзиб ўзи сахнага қўйди. Халқ ривоятларидан таъсириланиб, «Болақур», «Қизил қиз», «Зангланган пичоқ», «Тийншон қизи» сингари достон-

Етук спортчилар тайёрлаш маскани

Хар бир соҳанинг тарққий этиши учун мустақам замин бўлиш лозим. Ўзбекистонимизда ҳам спортнинг барча турлари ривожланиши учун асосли пойдевор мавжуд. Аждодларимиз бундан минг йиллар илгари спортнинг чавандозлик, чавгон, кураш каби турларини яхши билганлар. Юкорида таъкидлаганимиз ва яна қатор асослар юртимизда спортнинг барча турларини бемалол ривожлантиришга имкон беради.

Интернат иш бошлаган дастлабки йилларданок бу ерда спортнинг кўпгина турлари бўйича юкори даражадаги маҳоратга эга бўлган спортчилар етказиб беришга имконият тўла-тўқис муҳайё. Таъкидлаш жоизки, ҳозиргача ҳам биздаги каби барча имкониятларга эга бўлган би-

етишиб қикди. Халқаро тоифадаги спорт устаси, велоспортчи Александр Юдин, машҳур футболчи Владимир Фёдоров ва Михаил Ан, баландликка сакровчи Валентина Чулкина, сузувчи Тамара Рилова кабилар шулар жумласидандир.

Этмишинчи йилларга келиб югуриш йўлаклари, Андрей Хлупин ва Дилшод Эгамбердиев, қиличбоз Виталий Логвин кабилар билим юртимиз шухрати-га шухрат қўшди. 1979 йили билим юртига Фиссов Иркин Аббосовичнинг директор бўлиб келиши унинг истиқболдаги тараққийетини ойдинлаштирди. 1980 йилдан буён янгидан-янги спорт

Бундан ташқари 25 метрли ёпиқ сузиш ҳавзаси, оғир атлетикадан 10 тахтаасупаси ва мусобақа зали таъмирдан чиқарилди, футбол майдонига чим ётқизилди. Барча бўлинмаларда тиклаш марказлари ишлаб турибди.

Этибор бериладиган бўлса, Ўрта Осиёдаги бирорта спорт ташкилотидан бундай мажмуалар мавжуд эмас. Ҳозирда 50 метр узунликдаги сув ҳавзаси, тиббий марказ ва томошабинлар учун ўриндиқлари бўлган зал қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Келажақда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилувчи бўлажак футболчилар учун ҳам муносиб совға тайёрланмоқда. Осиёда энг йирик бўлган чим қопламали 105х55 метрли ёпиқ футбол майдонининг лойиҳа-чизма ҳужжати ишлаб чиқиб тасдиқланди.

Шоира АБДУЛЛАЕВА, Республика Олимпия резервлари билим юрти директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича муовини, олий тоифадаги ўқитувчи. (Давоми бор)

ЎРТА ОСИЁДА ЎХШАШИ ЙЎҚ


Юртимизда яхши аъналарга эга бўлган спортга ихтисослашган таълим-тарбия масканлари анчагина. Тошкент шаҳридаги Олимпия резервлари билим юрти ҳам ана шулардан бири ҳисобланади. Дастлаб спорт мактаб-интернати бўлган мазкур билим юртининг ташкил этилганига сал кам қирқ йил бўлиб қолди. Халқимизда «қирқ йилда бир йигит камолга етади» деган ақолий ҳикмат бор. Билим юртимиз ана шундай қирқиллама кучга тўлган ёшда ва ҳозирги пайтда Ўзбекистон терма жамоаларига юксак маҳоратли спортчилар етказиб берадиган марказга айлан-

рорта болалар ва ўсмирлар ёки олий маҳорат спорт мактаби мавжуд эмас. Зеро, ўша олтмишинчи йиллардаёқ билим юртимизга ишончли пойдевор қўйилган эди, бу билан, ўз навбатида, энг масъулиятли, юксак даражадаги мусобақаларда галабага интилиб яшайдиган спортчиларни тарбиялаб етиштириш аънаанасига йўл очилган эди.

Юксак маҳоратли мураббийларнинг етишмаслиги-га қарамай, айнан ўша йиллари билим юртимиз шухратини юксакларга парвоз қилдирган ўқувчилар

чим билан қопланган майдон ва ёрдамчи хўжалик хоналари бўлган стадион, спорт гимнастикаси ва энгил атлетика учун заллар, велобаза каби спорт иншоотлари қуриб ишга туширилди. Буларнинг барчаси юксак малакали спортчилар тайёрлаш сифатини яхшилашга, жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида тобора кўпроқ қатнашишга замин яратди. Бу даврга келиб ўқувчиларимиздан велоспортчи Владимир Макаркин, гимнастикачи Оловиддин Отанонов, ядро улоқтирувчи Сергей Кот, сузувчилар

иншоотлари қурилиб ишга туширилипти, мавжудлари эса таъмирланаяпти. Бу соҳада билим юртимизга ҳукуматимиз, Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси, шунингдек, 159—қурилиш трести ва унинг бўлинмалари хар томонлама ёрдам бермоқда. Ўтган ўн йилликлар ичида Олимпия резервлари республика билим юрти қиличбозлик, курашнинг уч тури, спорт гимнастикаси, батутада сакраш, «Регупол» туридаги сунъий Владимир бўлган 200 м югуриш йўлакчалари бўлган қатор заллардан иборат шаҳарчага айланди.



Юртим, излаб сенинг қиёсинг, Сувлар кечдим, йўллари кездим. Кўриб шаҳар, қишлоқ, дарёсин, Сендек диёр йўқлигин сездим.

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

- Кимки ўрганишни уят, ор демас, Сувдан дур топади, тошдан лаъл оломос.
Нолойиқ сўз зоҳир этса нодон тил, Унга сукунатни жавоб айтадил.
Чалиниб турса ҳам сўзингга қарсак, Сўзламай ўтирмак яхшидир андак.
Ноумидликдан ҳам умид урар бонг, Қаро кечадан сўнг отар оппоқ тонг.
Дунёдан йўқолиб кетса хорус хас, Гилу шамшод қадринг ҳеч ким билолмас.
Онадан туғилган билимсиз бўлар, Билиб, ўрганиб, сўнг ақлга тўлар.
Одам ўрганиб, сўнгра доно бўлар, Билим олса, сўнгра барча иш унар.
Билимнинг, зехнинг улугдир иши, Шулардан улуглик топар хар киши.

БУ ТУРФА ОЛАМ...

Кореядаги эркаклар кийим-кечакларини ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига кўпроқ сотиш мақсадида антиқа кашфиёт яратди. Энди корейлик фуқаролар костюмларини нафақат ранги ва фасонига қараб, балки ҳидига ҳам қараб таллашади. Ҳар бир костюмнинг ички қисмида махсус капсулалар ўрнатилган бўлиб, улар ўзидан ёқимли ҳид таратиб туради. Миқозлар эса ўзларига маъқул бўлган ҳидди қосишни танлаб олишлари мумкин.

Бруней давлати султони Римдаги энг ҳашаматли меҳмонхонанинг мухташам хонасида 2000 йилни қутиб олмақчи. Бунинг учун ҳозирдан ижара ҳақи учун хар куни 10 минг доллардан тўлапти. Меҳмонхонанинг «Вилла ла Купола» деб номланган махсус хонасини эса дунёнинг энг бош кишини қутиб олишга ҳозирлашмоқда. Мазкур сарой нобъ меъморий кўриниши ва ажабтовур мебеллари билан шухрат қозонган.

Сан-Франциско шаҳри яқинида қатта тезликда келаётган автомашинага осмондан улкан қорамол тушиб ҳайдовчи ўлимга сабаб бўлди. Бир ярим ёшли сигир йўлда адашиб қолиб машина йўлига тушиб қолади. Каттик туман бўлганига сабабли «Мерседес» ҳайдовчиси сигирни қўрмай, уриб юборади. Жонивор каттик зарбдан осмонга учиб кетади ва қарши томондан келаётган автомашинанинг олди ойнасига келиб урилади. 340 килограммли қорамол ойнани синдириб ҳайдовчи устига тушади. Натижада ҳайдовчи шу ондаёқ тил тортмай ҳалок бўлади. Лекин, ҳайдовчи қурқувдан вафот этганими ёки қаттиқ зарбданми, ҳозирча номаълум.

Яқинда жаҳон тиббиётда кўз кўриб қолоқ эшитмаган воқеа юз берди. Америкадан Хьюстон шаҳрида асли нигериялик 27 ёшли Никель Чукуву саккиз нафар фарзанд кўрди. У биринчи қизига кўзи ёригандан сўнг шифокорлар тиббий сабабларга қўра, бошқа болаларнинг туғилишини тўхтатиб туришган. Икки ҳафтадан сўнг беш қиз ва икки нафар ўғил дунёга келди. Чақаларини янада тиклашлари учун энг зарур шароитлар яратилган, - дейди оромоғ бошлиги Эдуард Туликов. Павел СИЛИН.

Шоир инъоми

Қалб эҳтироси қоғозларга тўкилиб одамийликдан, онага, Ватанга халқига бўлган эҳтиромидан сўзлаётган шоирлардан бири Абдуқодир Қаюмовдир. Адиб қаламига мансуб шеърми, ҳажв-интермедиями, албатта ўз ўқувчиларини топиб олади. Шу боис «Табассум», «Ватандошлар», «Ёшлик» каби нуфузли телерадио дастурларининг энг оммавий муаллифларидан бирига айланди.

Абдуқодир Қаюмовнинг ҳароратли шеърлари куйга солиниди, машҳур ҳофизлар томонидан ижро этилди. Она Ўзбекистонни, унинг гўзал табиати ва меҳнатсевар элини тараннум этувчи, дўстликни улугловчи, эзгулик, меҳр-муҳаббатни, вафо ва садоқатни мадҳ этувчи ашъорлари бундан буён ҳам дилларга сурур бағишлайверсин.

ҚУНГУЛ ЧАМАННИ

Шаҳло кўзларининг мафтунни, Гўзаллар ичида танладим сени. Сенсиз ҳаётимнинг йўқдир мазмунни, Кўшиққа кўчирдим оташ севгини.

Кел, жоним, қалбингга кўнмасин губор, Фанимлар бахтимиз кўриб ўртансин. Умиримиз ҳамроҳи бўлган шу баҳор, Гуллаб-яшнамоқни биздан ўргансин.

Кўнгил чаманлари бахшида сенга, Гул ила шу олов қалбим тутказдим. Тун кечалар боқиб гўзал хуснингга, Ойнинг нурларига исмингни ёздим.

ФАРЗАНД

Асл фарзанд ота бирла онасини ризо айлар, Дилида меҳри йўқ фарзанд улар бирла нидо айлар. Ано ҳақида жаҳон ичра адо айлар асл фарзанд, Асл фарзанд қачон ўз отасини норизо айлар.

Асл фарзанд ота бирла онасига кўрсатур иззат, Тўкиб юздан табассум чехрасини жон фидо айлар. Қодиро ким ота бирла онасини норизо қилса, Унинг фарзандлари бир кун ўзини норизо айлар!

ЎЗБЕККИСПОН

Эй мунаввар, сўлим, обод диёрим, Тенг ҳуқуқли, эркин, озод диёрим. Куйла солиб жушқин эҳтиросимни, Қўлга олиб чертай янроқ созимни.

Ўзбек элин сен ишонган боғисан, Кўқда кўёш - бахт чароғисан. Кенг далалар, мевазорлар бағрингда, Олтин, кўмир, газ қони мўл қаърингда.

Шонли халқим келажаги иқболи, Мустақиллик рамзи, эрқу-тимсоли. Олга суриб кўнжа тарих отини, Қайта тиклаб Темур шаън-шухратини.

Баҳра олиб истиқлол зиёсидан, Нурга тўлиб эл меҳригисидан. Мустақил диёрим ҳам ифтихорим, Арзир фахрлансам, гурурим-борим.

Абдуқодир ҚАЮМОВ.

УНИВЕРСИТЕТДА ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

Испан тилини ўрганиш олий ўқув юртида 1961 йилдан бери йўлга қўйилган. Бу орада университет Испаниядаги қатор олий ўқув юртлари билан яқин алоқа боғлади. Испаниянинг Гранада университети замонавий тиллар маркази саъй-ҳаракати ҳам яхши самаралар бермоқда. Жаҳон тиллари университетидан очилган

ий-маърифий алоқалар олий ўқув юртида. Яқин орада бу олий ўқув юртининг бир гуруҳ ўқитувчилари республикамизга келиб, испан тили бўйича ўқув сменарини ўтказадиган бўлди. Шуниси қувонарлики, мазкур университет билан биргаликда испан тилида қалам тебратувчи ёш журналистларни тайёрлаш ҳам

режалаштирилди. Хар иккала университетлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, янги журналистика факультетини очиб кўзда тутилди. Жаҳон тиллар университетида ташкил топадиган бу халқаро журналистика факультети олий ўқув юр-

А.АЛИЕВ.

СПАРТАКИДА ЯКУНЛАНДИ

Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт мажмуасида 9 кун давом этган «Интилиш» спартакиадаси якунланди. Унда спортнинг волейбол, баскетбол, энгил атлетика, сузда сузиш, кичик футбол, теннис турлари бўйича 20 дан ортиқ жамоа голиблик учун курашди.

Кизгин ўтган мусобақаларда умумкоманда ҳисобида вилоят спорт қўмитаси жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Вилоят халқ таълими ва вилоят газлаштириш бошқармалари спортчилари иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди.

ҲАМКАЕБЛАР БАҲСИ

Савдо, умумий овқатлаш матлубот кооперацияси ва тадбиркорларнинг турли шакллари ходимлари ўртасида 25 майдан бошлаб Тошкент шаҳар Савдо Департаменти ва Тошкент шаҳар қасаба уюшмаси соврини учун мини футбол бўйича мусобақа бошланган эди. Ушбу мусобақанинг финал қисми 26 июн кунини ўтказилди. «Озуқа» жамоа қорхонаси ходимлари биринчи, Тошкент шаҳар «Гўшт-савдо» Давлат ҳиссадорлик жамияти иккинчи, Савдо Департаменти учинчи, Акмал Икромов савдо ҳиссадорлик жамияти ходимлари тўртинчи ўринларни бўлиб олишди. Шу

нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, «Озуқа» жамоа қорхона ходимлари уч йил кетма-кет галабини қўлга киритиб махсус кубокнинг жамоавий эгаларига айланди. Шунингдек, 26-27 июн кунлари пойтахтнинг мухташам «Юнусобод» спорт мажмуиди ҳам тармоқ ходимлари ўртасида теннис мусобақаси ўтказилди. Ўтказилган жуфтлик учрашувларни Ш.Алиқпоров ва А.Шокировлар ўз фойдаларига ҳал қилиб биринчи, И. Отахонов ва Н.Шокировлар жуфтлиги иккинчи, Қ.Мухторов ва Д.Манноповлар жуфтлиги учинчи ўринларни эгалладилар.

Таътилни ким қандай ўтказмоқда? ТОҒ ЁНБАҒРИДА

Чотқол тизма тоғлари ўзининг бетакрор кўрктароватини кўз-кўз қилаётганини ҳаяжонсиз кузатолмайсиз. Турфа гуларнинг уфуриб турган ҳиди, сайроқи қушларнинг хониши, ўйнақилаб, шарқираб оқаётган жилгаларнинг сирли жилвалари, ҳатто тангадек офтоб нурини ўтказмайдиган яшил дов-дарахтлар япроқларининг шивир-шивирдан сархуш бўлмай иложингиз йўқ. Кўзгудадик аксингиз кўринадиган зилот кўлда чўмилишининг ўзи бир ро-

ҳат. Шахтёрлар фарзандларига мўлжалланган ушбу оромгоҳ - «Бригантина» аини пайтда ўғил-қизларнинг таътил пайтидаги энг сеvimли жойларига айланган. Бир йўла юз нафардан зиёд ёшлар хордиқ чикарадиган ушбу маскандан улар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, стол тенниси каби турлари билан шугулланишлари мумкин. Дастурхонга тортилаётган беш маҳал иссиқ овқат ўзининг мазалилиги, дармондориларга сероблиги билан аж-

ралиб туради. Дам олувчиларнинг зерикишга вақтлари йўқ. Чунки қўшиқ, рақс ва бошқа тугарақлар болалар измида. «Бошқизилсой» сингари тарихий қадимжоларга уюштирилаётган сайрлар бир умр ёддан чиқмаса керак. — Бу ерда қончилар фарзандларининг жисмоний ва ақлий қобилиятларини чинқитириш ва саломатликларини янада тиклашлари учун энг зарур шароитлар яратилган, - дейди оромгоҳ бошлиги Эдуард Туликов. Павел СИЛИН.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латилов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатла бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-маъбаа концерни босмақонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. Боснига топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.00 Бутортма Г-0464. 1 2 3 4 5 6